

Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз



05:07 / 17.08.2018 5436

??????? ????? ?????????????? ???-???????????????? "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз"
????????? ?????????? ??????????. ?? ?????? ??? ?????? [сайтида хабар берил
моқда.](#)

ميجرلا نمجرلا لوللا مسب

Ҳурматли жамоат! Динимизда одамларга хуш муомалада бўлиш ва уларга таом улашиш савоби улуғ ишлардандир. Ихлосли халқимиз қадимдан бу суннатларга амал қилиб келади. Мана шундай чиройли суннатлардан бири никоҳ тўйидир. Никоҳ икки бегона, номаҳрамни бири-бирига ҳалол қилгани сабабли, уни эълон қилиш – жумҳур уламолар наздида суннатдир ва бизнинг урфимизда уни “тўй” деб аталади.

Бошқа ҳадиси шарифда шундай дейилади:

عَلَيْكُمْ لَعْنَةُ اللَّهِ لَعْنَةُ الْوَسْوَاسِ الْخَسِيفِ الَّذِي يَصْرِفُ ثَرَاخَ لِبْنٍ أَوْ زَمْعَ نَعْلٍ
لَعْنَةُ مَلَسَو

(يَقُولُ لِلْمَأْمُولِ الْهَوَا) **هُطَسْ وَأَرْوُمُ أَلْ أُرِيحَ وَ نِي زَمُ أُنِّي بَ أَرْمَ أ**

яъни: Амр ибн Ҳорис разияллоҳу анҳу айтди: “Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи васаллам шундай деганлари менга етиб келди: **“Икки иш ўртасидаги ишни** (лозим тутинг). **Ишларнинг яхшиси ўртачасидир”** (Имом Байҳақий ривоят қилган).

Бу ҳадисдаги “икки иш”дан мурод ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўйишдир. Демак, тўйларимизни ўтказишда ҳам энг яхши йўл – исроф ҳам, бахиллик ҳам қилмасдан ўрта йўлни тутишдир. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади:

أَمْ أَوْقَكَ لِدَىٰ نَبِيٍّ نَاكَوْ أَوْرْتَقِي مَلَوْ أَوْفِرْسِي مَلْ أَوْقَفْنَا إِذْ نِي دَلَّوْ
(67/ةيآل اناقرفال)

яъни: **“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар,** (тутган йўллари) **бунинг ўртасида - мўътадилдир”** (Фурқон сураси, 67-оят).

Яна бир муҳим жиҳат шуки – келин ёки куёв танлашда асосий мезон мол-дунё ва обрў-эътибор бўлмаслиги керак. Зеро, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам бизга шундай тавсия берадилар:

حُكْنُتْ : لَعْنَةُ اللَّهِ لَعْنَةُ الْوَسْوَاسِ الْخَسِيفِ الَّذِي يَصْرِفُ ثَرَاخَ لِبْنٍ أَوْ زَمْعَ نَعْلٍ
نِي دَلَّوْ تَادِبْ رَفْطَافْ أَوْ نِي دِلَوْ أَوْلَامْ حَلَوْ أَوْ بَسْ حَلَوْ أَوْلَامْ لِعِ بَرَّالْ أَوْلَامْ لْ
(. مَلَسُ مُمَامِلْ أَوْ رَاخُ بَلْ أَوْلَامْ الْهَوَا) كَادِي تَبَرْتْ

яъни: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Набий саллалоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: **“Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли, насаби, жамоли ва дини учун. Сен диндорини танлагин, барака топгур!”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Баъзида қизларимизнинг тенги чиқса ҳам, янада яхшироқ жойлардан умид қилиб, уларни ушлаб турамиз. Гоҳида қизнинг сепи тайёр эмаслиги, бунга қўлимиз калталигини рўкач қилиб, уларнинг умрини ўтказамиз. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида айтадилар:

(141/ةيآلإمأعَنَالْأَةرُوس) نِيْفِرْسُْمَلْأُ بِحُيَالِةُنْإِؤُفِرْسُتَالَو

яъни: “...Исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди” (Анъом сураси, 141-оят).

Бугунги кунда бу ояти каримани тушинишга жуда муҳтожмиз. Чунки Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни севмаса, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам “никоҳни баракалиси – сарфу харажати камроғи”, деб турганларида, сарф харажат қилиш учун мусобақа қилсак, ҳатто кучимиз етмай қолганда катта-катта қарзларни бўйнимизга олсак, биз қандай уммат бўлдик!? Суннатга зид ишларимизни жафосини чекиб турибмизку. Йиллар давомида емай-ичмай йиққан маблағини ва бунинг устига олган қарзларини бир кунда исроф билан сарфлаб, кейин йиллар давомида қарз тўлайди. Тўй куни ўнлаб машиналарни ёллаган куёв тўйдан кейин пиёда юришга ҳам маблағ топа олмайди. Аллоҳ неъмат берган кишилар исроф қилмасдан ўзларига яраша тўй қилишса, бунга шаръан таъқиқ йўқ. Лекин уларга етаман деб, камхаражат одамлар ўзларини қийинчиликка қўйиши соғлом ақлга тўғри келмайди.

Муҳтарам жамоат! Кейинги пайтларда халқимиз орасида куёв томон келин томондан баъзи харажатларни талаб қилиши кўпайиб қолди. Масалан, куёвга бошдан оёқ сарпо қилиш, мебел сотиб олиши каби. Хўш, мана шу харажатлар ҳақида шариатимиз нима дейди, келин ҳақиқатан ҳам юқоридаги харажатларни қилишга мажбурми ёки ихтиёрлими?

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларига назар қилсак, у зот ва саҳобийлар тўй харажатларини ўз зиммаларига олганлар ва маҳр берганлар, лекин келиндан ёки келин томондан ҳеч нарса тамагирлик қилмаганлар. Куёв томон талабгор бўлгани, совчи қўйгани учун, маҳр бериш, тўй қилиш – унинг зиммасида бўлади, албатта. Демак, келин томондан тўй ва бошқа харажатларни талаб қилиш мумкин эмас. Бу шариатимиз кўрсатмаларидан, мардлик ва олижаноблик доирасидан чиқиш бўлади.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, келин томон мутлақо харажат қилиши мумкин эмас, демаймиз, чунки улар ҳам ўз хоҳиши билан, мажбурланмасдан баъзи харажатларни қилиши мумкин. Бу улар томонидан эҳсон бўлади. Бу нарса ўзаро келишув ва шариатга тўғри келадиган урф-одатларга кўра бўлиши керак. Бунга қуйидаги ояти каримада ҳам ишора бор:

أَسْفَنُ هُنْمٌ عَيْشٍ نَعْمٌ كُلُّ نَبِيٍّ نَهَى قَوْمَهُ أَنْ يَكُونُوا كَمَا كَانُوا
(4/آلِ آسَنُ لَ اَ رُوس) أَيْ رَمَّ أَيْ نَهَى هُوَ كَيْفَ

яъни: “Хотинларга махрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз”. (Нисо сураси, 4-оят).

Тўйлар ҳақида гап кетганда, борган сари оммалашиб кетаётган, на динимизга, на урф-одатларимизга тўғри келмайдиган ишлар ҳақида гапириб ўтмасак бўлмайди. Масалан, тўйда келин куёвнинг вальс тушиши, “севги тарихи” видеороликни намойиш қилиши кенг тарқалди. Бу ишлар ҳам текинга бўлмайди. Агар бу “севги тарихи” чет элда ишланган бўлса, унинг харажати ҳам “отнинг калласидек” бўлади. Энг асосийси – чет элда сайр қилиб юрган бу икки номаҳрамнинг гуноҳини ким кўтаради? Улар ҳам осмондан тушмаган, кимнидир ўғли ё қизи, кимнидир укаси ё синглиси. Уларни ўз ҳолига қўйсақ, гуноҳ қилса ҳам, қайтармасак, исроф қилса ҳам, гапирмасак, ўзимизни оёғимизга ўзимиз болта урган бўламиз. Кейин бу исрофларнинг жабрини барчамиз тортишга мажбур бўламиз.

Аллоҳ таоло барчамизни тўйларда исроф қилиш, манманлик қилиш, ҳаддан ошишдан сақласин ва тўғри йўлида собитқадам қилсин! Омин.

ИЛОВА

Муҳтарам азизлар! Маълумки, Аҳли сунна вал жамоа тўртта фикҳий мазҳабдан иборат бўлиб, улар – Ҳанафий, Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳабларидир.

Ҳозирги кунда дунё мусулмонларининг деярли ярми айнан ҳанафий мазҳабимизга амал қиладилар.

Ҳанафий мазҳаби асосан Марказий Осиё, Покистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия мусулмонлари ўртасида, Араб мамлакатларидан Ироқ, Миср, Сурия, Ливия каби юртларда кенг тарқалган.

Ушбу мазҳаб асосчиси Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг асли исмлари – Абу Ҳанифа Ан-Нўъмон ибн Собит ал-Форсий бўлиб, 80-ҳижрий йилда Куфада туғилганлар.

У зот Қуръони каримни Имом Осим қироати бўйича ёд олган, ҳадис илмидан дарс олган, наҳв, адабиётдан етарли даражада таҳсил олган. Шунингдек, калом илми ва дин асосларини пўхта ўрганган. Сўнгра, фикҳ илми билан шуғулланганлар. Фикҳ илмини танлагани ҳақида у зотнинг ўзи шундай деган эди: *“Ҳар қачон фикҳ билан машғул бўлганимда қалбимда унинг улуғлиги янада ортиб бораверади... Билдимки, фарзларни адо этиш, динни қоим қилиш ва ибодатни мукаммал бўлиши фақат фикҳни билиш билан тўғри бўлади. Дунё ва охират талаби ҳам айнан фикҳни билишдадир”*.

Бу улуғ зот тобеинларни қаерда ва қачон илм олганларини ўрганар, хусусан фикҳ ва ижтиҳодда алоҳида ўрин тутган саҳобалар билан алоқада бўлган тобеинларга эргашар эди. Бу хусусда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ўзлари шундай деганлар: *“Умар ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Ибн Аббоснинг фикҳини уларнинг шогирдларидан таълим олганман”*.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ қирқ ёшида Кўфа масжидида шайхи Ҳаммод ўтирган жойга ўтириб, шогирдлари билан янги фатволар ва турли масалалар устида илм мажлисларини қурдилар. Ўхшаш мисолларни бири-бирига кучли мантиқ ва ўта закий ақл билан қиёслар эдилар ва шу тариқа ҳанафий мазҳабининг фикҳий усулига асос солдилар.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўзларига хос ижтиҳод йўлларини қуйидагича таърифлайдилар: *“Мен ҳукмларни Қуръондан оламан. Агар Қуръондан топа олмасам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан оламан. Агар Қуръондан ҳам, Расулуллоҳнинг суннатларидан ҳам топа олмасам, саҳобалардан хоҳлаганимнинг фатвосини оламан. Кейин уларнинг сўзларидан чиқмайман. Аммо, тобеинлардан Иброҳим ан-Нахаъий, Шаъбий, Ҳасан, Ибн Сирийн, Саид ибн Мусаййибларга келсак, менинг ҳам уларга ўхшаб ижтиҳод қилишга ҳаққим бор”*.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ биринчи бўлиб тақдирий (фаразий) масалаларда фатво беришни йўлга қўйдилар. Ҳали рўй бермаган масалаларнинг ечимини олдиндан айтиб ўтганлар. Натижада фикҳ илмининг соҳаси янада кенгайди. Бу ҳақда Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: *“Фикҳ бобида барча Абу Ҳанифага қарамдир”*, – деганлар.

Муҳтарам жамоат! Имоми Аъзам мазҳаби ўзининг мўътадиллиги, Исломнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалаб бериши билан асрлар оша

диёримиз мусулмонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида, турли ҳуқуқий муаммоларни осон ҳал қилинишида, баъзида юзага келадиган ҳар хил зиддиятларни бартараф этилишида муҳим асос бўлиб келмоқда.

Уламоларимиз: *“Ижтиҳод даражасига етмаган кишилар муайян бир мазҳабни ушлаши лозим”*, – дейдилар. Шунингдек бошқа мазҳабларга ва уларга эргашганларга ҳурмат билан қараши лозим.

Бир ишда бир мазҳабга , иккинчи бир ишда бошқасига эргашиш дуруст эмас. Буни уламолар “талфиқ” дейишади. “Талфиқ” эса, ҳаромдир. Динда адашмаслик учун, маълум бир мазҳабни ихтиёр қилиш ва фақат унга эргашиш лозим.

Абдулҳай Лакнавий “Мажмуатул фатово” китобида: “Ҳиндистон, Мовароуннаҳр шаҳарларида шофеъийларнинг ҳам, ҳанбалийларнинг ҳам, моликийларнинг ҳам мазҳаби йўқ ва ушбу мазҳаб китоблари ҳам топилмайди. Шунинг учун бу шаҳарларда яшовчи билимсиз (мухтаҳид бўлмаган) инсонга Абу Ҳанифа мазҳабига тақлид қилиши вожиб бўлади. Унга ўз мазҳабидан чиқиши мумкин бўлмайди. Ҳарамайнда яшаган кишига бундай эмас. Чунки у ерда жами мазҳабларни топиш имконияти бор”, – деганлар.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, улуғ мухтаҳидларимизга ҳурмат бажо келтириш ва уларнинг йўлини тутиш динимиз равнақи, юрт тинчлиги учун қўшилган улкан ҳиссадир. Аллоҳ таоло ўзаро бирдамлигимизни зиёда қилсин, бизни тўғри йўлида давомий қилсин! Омин.

Манба: muslim.uz